



Республикамиз мустақиллигининг 4 йиллиги олдидан

ҲОЗИРГИ КУННИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШДИР

ТРИКОТАЖЧИЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Жалокудуқ туманидаги Охунбобоев номи молик пахта ишлаб чиқариш бirlашмаси ишбилармонлари руминиялик тадбиркорлар билан ҳамкорликда ишлайдиган бўлибди.

Гап шундаки, охунбобоевликлар Руминиянинг «Ринальдо» фирмасидан кичик трикотаж фабрикаси жиҳозларини сотиб олди. Руминлар ҳам қараб туришгани йўқ, Франциянинг «Лоборсе» фирмасида ишлаб чиқарилган дастоқлардан 27 тасини келтириб, корхонани бутладилар. Кичик фабриканинг афзаллиги шундаки, ҳар бир машина бир сменада 40 килограммдан 70 килограммгача трикотаж газламарини ишлаб чиқаради. Улар корхоналаримизда ишлаб чиқарилаётган барча марказдаги пахта калаварилари билан ишлаб беради.

Ф. ПОДМОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАМИ 26 ФЕРМА СОТИЛАДИ

Сирдарё вилоятидаги фермалардан учтаси ўз эгасини топди. Дастлабки ким ошди савдоси Бобуот туманидаги «Дехқонбод» жамоа хўжалигида бўлиб ўтди.

Хўжаликнинг чорвачиликка ихтисослашган фермасига 3 киши харидор бўлди. Охири баҳо — 6 миллион сўмга чиққанида, шу жамонинг бош зоотехниги Саттор Абдурахмонов эгалик ҳуқуқини олди. Сирдарё туманидаги Охунбобоев номи жамоа фермасига эса Бахтдаги машҳур «Марказий Осие» корпорацияси раҳбари Учқун Фозилов эга бўлди. Бу чорва мулки 5 миллион 500 сўмга сотилди.

Вилоятда жорий йил охиригача 26 та ферма ана шу йусинда хусусийлаштирилади.

А. ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тадбиркорга омад ёр

Рўзгор ташвишлари Қонгли қишлоғлик Нейматнинг бўйига эрта туюди. У мактабга қатнамай қўйди. Иллагини, олинган боқини керак. Новойога шогирд туюди, ҳадемай бу касеба бутунлай меҳр қўйди. Уч-тўрт йил ўтмай, уйда новойоҳона очди.

Барбир тенгқурларини, катта ўқини битириб, «амалдор» бўлиб ишлаётган синфдошларини учратганда қўнгли алланечук бўлиб кетарди. Ушлардек бўлишни истарди. Бунга эса фақат меҳнати билан эришишни оғаси, тоғалари кайта-кайта кулгога куйди.

Шу тарика у тунарлош тонга улаб ишлаётган. Еш новойонинг донги узокларга таралди. Қўшни кишлоқлардан, шаҳарлардаги маҳаллалардан одамлар келишиб, туй-маъракаларга буюртма беришарди. Қўнги беш эста, баъзан мингтагача нон ёпишга турги келарди. Нейматнинг довуриғини кўп ўтмай нон заводидиғилар ҳам эшитиб, ишга тақлиф этишди. Энди у улкан пелларда «буҳанка» нонлар пиширарди. Эҳки ўткир эмасми, цехлардаги ускуналари тез кунда улаштириб олди.

Ҳамиша янгиликка интилиш, ўз қўли билан ниманидир яратиш Нейматга тинчлик бермасди. Шундай қўнларнинг бирда даразасидан ташқарига тикилиб тураркан, кўннинг нариги бетидиғи фойдаланилмай ётган колхоз идорасини кўриб, миясига «ялт-этиб бир фикр келди: «Шу эски бинони раисдан сўраб олиб, заводнинг филиалини очсам, қандай бўларкан?»

Эртасигаёқ раисга учрашди. Унинг розилигини олган, ишга киришди. Кишлоқдошлари қўнни да чорқўнча чех очди. Адамлардан экин, кичик филиал катта дарабод келтира бошлади. Фойда ҳисобидан янги-бино қурилишини бошлади. Жамоа хўжалигининг янги идораси билан клуб ўртасидаги икки йил ичда хашар йўли билан қарқ устулдиғи нақшинкор бино қад кўтарди.

КИЧИК КОРХОНАНИНГ КАТТА ИШЛАРИ

волимизга Неймат аниқ жавоб айтолмади. — Тўртинси айтсам, ургутлик усталарга озор қаражат қилдик, қолгани текинга тушди, — деди у қўлиб.

— Қандай қилиб? — Заводда ишлаб юрганамда, жуда кўп пеллар янги сизга алмаштирилди, эскиларни эса «яроксиз» сифатида холига чиқариб ташланди. Шу ускуналари келтириб ўрнатдик, арзиматган қисмларини таъмирлаб, ишга туширдик. Буларнинг ҳаммасини ўзим бажардим. Чунки новойоҳилардан ташқари «печ устаси» деган иккинчи хунарим ҳам бор.

Кўнги қолмай илож йўқ. Бунинг устига шундай улкан бино хашар йўли билан қурилибди. «Умрини» утаган пелларга қайта «жонгиз» этилибди. Тўртта чех, олтига бригада ташқил этилиб, жамоа аввалиги 3-4 кишидан 63 нафарга етибди.

Бултур қузда жамоа қарори билан цехлар нон заводи тасарруф

фидан чиқарилиб, алоҳида кичик корхонага айлантирилди ва нон маҳсулотларини туман миқёсида тарқатиш мақсадида «Хайрбод» хисдорлик савдо жамияти ихтиёрига ўтди. Корхона октябр ойидан тулик маҳсулот бера бошлади. Янги йилдан бошлаб фақат нон маҳсулотлари тури ўнгага етказилди. Қозон патир, мойли патир, меҳмон нон чиқаридиган анги чех ишга туширилди.

Кичик корхона маҳсулотларига талаб кун сайин ортиб бормоқда. Шаҳар бозорига, учинчи мавзе ҳудудига ва кишлоқнинг ўзига икки миллион сўмга тенгдир.

Нон цехи бошлиғи Санакул Жўраев бизни Аҳад Элбеков бошлик ургутлик новойолар иши билан таништирди. Газ билан қизитилаётган тандирлардан тўрт киши бурсидоқ нонларни пешма-пеш узиб, «Исоқ нон» дўконига жўнатишди. Шу кишлоқлик Ғайрат Худойберков ҳам келгусида новойолар бўлиш ниятида уларга шогирд тушибди.

Қозон патир ёпишни азалдан қийин иш, деб билган аёлларимиз бу неъматли пиширишни салкам унутиб юборишганда. Шаҳри Еркабабова, Махбуба Хайдарова ка-

300 граммлик парҳез бўлқалар пиширила бошланди. Яқинда шаҳардаги қандли диабет шифохонаси ҳақими Мақсуд Салимов ҳам кўнига 50 тадан шунинг нон ёпиб беришни сўради.

Корхонадаги иш шароитидан ҳеч ким нолимади. Ишчилар ойма-ой масаларини, ушяқоқ. Бундан ташқари, бепул тушлик оғқат, ҳар смена охирида бир ишчи-га тўрт буржакдан нон бериларди.

Корхонанинг банкдаги ҳисобида эллик минг сўмдан зиёд пули бор. Шу ҳисобдан ҳаммом қуриш мўлжалланаяпти. Ҳозирча этиқдўналик устаконани ва сартарошкона очилди. Таъминоти Уравали Қўшиев ун қўнбинларидан унни қопсиз ташиб келтиришни йўлга қўйди. Бунинг учун холида 16 тонналик идиш ўрнатилди. Ортиқча маҳсулотни сақлаш учун эса бирон ертўралари жиҳозланиб, амборхонага айлантирилди.

Хуллас, Неймат Турсунбоев меҳнатга ружу қўйиб, хунаринг «этагидан» тутиб, обору қозонди. Қишлоқдошлари учун жуда катта хайрли, савоб ишга қўл урди ва бунинг улдасидан чиқди. Ташландик жойда салкам мезморий ёлгорлик даражасидаги корхона ёносини барпо этди.

Жамонинг нияти катта. Келгуси йил баҳорда били олди гулзорга, холи теракзор мевали боғга айлантирилди. Булар ҳам хашар йўли билан барпо этилади. Халқимизнинг бу қадимий удуми одамларда бир-бирига меҳр-оқибат уйғотди, анюқинки, ушқоқликни вужудга келтирди. Ва ана бегоналарни дўстлаштирди, қузда-андага айлантирди.

Буларнинг барчаси бугун Жиззах вилоятида машҳур бўлган «Салима» кичик корхонасининг саховатидир.

Ҳайитбой НАБИРАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ОБИ ҲАЁТ»НИНГ ХАРИДОРГИР МАХСУЛОТЛАРИ

Богот туманидаги «Оби Ҳаёт» фирмасида кўнига 10 мингтадан ортиқ банка қолқоғи тайёрланиб, истеъмолчиларга пешма-пеш етказиб берилмоқда.

Шунингдек, корхона таркибидоги тикувчилик цехи ишлари ҳам тобора ривож топиб, тақомиллашиб бораётир. Айниқса, Лениза Отажонова бошчилик қилаётган 15 нафар чевар қизнинг қўлида тикилган кийим-кечак маҳсулотлари ўзининг пишқ-пухта ва бежиримлиги билан харидорлар эътиборини қозонмоқда.

МУЛК ШАКЛИ ЎЗГАРГАЧ

Чамбой доп маҳсулотлари қўнбинлари очик турбаси ҳисдорлик жамиятига айландиса тўрт ой бўлди.

Шу қисқа вақт мобайнида 13,5 минг тонна урнига 15 минг 400 тонна шоли оқланди, 10 минг 150 тонна сифатли гурч, 3360 тонна см тайёрланди. Режага қараганда 3 миллион 841 минг сўмлик кўп маҳсулот чиқарилди. Бу эса корхонага ихтиёрий масаларини мустақил ҳал этиш, янги цехлар очиб имконини берди. Аҳоли нон цехи хизматидан айниқса мамнун бўлмоқда.

Ўз мухбири.

Жиноят жазосиз қолмайди

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, барча соҳаларда бўлгани каби таълим-тарбия борасида ҳам жиддий ўзгаришлар ўз берди. Жумладан, талабаларга қабул қилиш тест синовини асосида амалга ошириляпти. Айни пайтда ушбу устоз ўзини оқлаётган ва ҳақиқий билимдон илгир-қизлар талабаларни шайхонани кўлга олмақдалар. Энг муҳими, у баъзи бир олий ўқув юртида учрайдиган порахўрликка чек қўйди. Аммо...

Фаргона дорилфунунинда 1993-94 ўқув йили учун талабалар сағига қабул қилинувчи абитуриентларнинг тестга кириш ҳуқуқини берадиган руҳсатнома ва титул варақаларини, хатр паспортларини қалбақлаштирган бир гуруҳ ўқитувчиларнинг сирини фож бўлди. СУДЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ-ДАН:

«Дорилфунун ходимлари В. Шамсутдинов, Р. Калонов, У. Болтабоев, А. Тиловолиев, Н. Йўлдошев, С. Абдурахмонов, М. Собиров, А. Абдуқодиров, А. Хасанбоев, М. Дадабевлар ўз мансабларини суиистеъмол қилиб, ўзаро келишиб, таниш-билишларини ўқишга киритиш мақсадида уларнинг паспортларидаги расмин алмаштириб, ҳужжатларни қалбақлаштириб, дорилфунунинг аълочи студентларини тестга киритишган. Натияжада улар абитуриентларнинг ўрнига тестда ижобий балл тўпашган».

Жиноят жиноятни тугдирди, катта-катта жаҳолатга бошланди. 1993 йил июнь ойининг охирида А. Шамсутдиновнинг ўйига қариндошларидан бир келиб, кизи Дилбар Тожиевани дорилфунунинг физика факультетига ўқишга киритишга ёрдамлашини сўрайди. Шамсутдинов ва қариндоши ўртасида «холис хизмат» учун олди-берди шартнома тўзилди. Мухтарам домла Дилбар Тожиевнинг ҳужжатларини олиб қўлиб, уни қабул комиссияси техник котиби Калоновга топширади. Бу ҳақда қабул комиссияси масул котиби С. Валиев ҳам оғолангиларида. Бирок таниш-билишларини дорилфунунга қандай жойлаштириш керак? Қилиб-қилиб, тест деган бало улар мансабу мартабага ўтирган пайтда жорий қилинганми? Ўйлаб-ўйлаб, охири бунинг ҳам иложини топди. Тестни ҳам «естъ» қилса бўларкан. Режани пишитиб, ҳаммаси тарқалиши. Шамсутдинов физика факультети 3-курс талабаси Абдурахмоновнинг олдида борди ва ундан Тожиевнинг ўрнига тест синовига киришни илтимосини рад этишни хоҳламади. Ҳудуд бошқа шахсий мақсафлар эвазига, бу фақат унинг ўзига аён, Абдурахмонов дарров рози бўлди. Эртаси кўни 3х4 ҳажмдаги 6 дона суратни ва паспортни домласига топширди.

СУДЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ-ДАН: «28.07.93 йил Шамсутдинов Калонов билан биргаликда Абдурахмоновнинг расмларини Тожиева номига тўлдирган титул варақаси ва тест синовига кириш руҳсатномасига ёпиштириб, 30.07.93 йилда имзо чекишлик учун Валиевга топширади. Валиев эса Тожиевнинг ҳужжатларидаги расмлар бошқа шахс эканлигини билгани ҳолда имзо қилиб берган».

Сўнгра Шамсутдиновнинг ўзи худди шундай тартибда абитуриент ва талаба паспортлари операциясини ўтказди. Ишлар силлиқ кетаётганлигини кўрган Шамсутдиновнинг иштаҳаси очилиб кетди. Энди у ҳамқишлоғи Ҳайитқўловнинг қизини ўқишга киритишга ваъда беради ва унинг ҳужжатларини ҳам техник котиб Калоновга топ-

олинган пулнинг бир қисmini ишлатган, қолган бўлагини Валиевга бериш учун уйига кетган. Тергов даврида 2350000 рубль пул далилий ашё сифатида олинган. Жиноят устига жиноят қўнлаверди, жиноятчилар қўлайди, фирибгарларнинг сони ошиб бораверди. Ва охири улга институтларнинг доираси торлик қилиб қолди. Ҳасаннинг Хусанни, Фотиманинг Зухросини бошқа жойлардан ахтра бошлади.

Хуллас, абитуриент Мадамминовнинг қалғонини Фаргона азот ишлаб чиқариш бirlашмаси аммақали советиш цехи бошлиғи Қарамон Расулвага топ-

Шундай қилиб, университетда биронинг тўнини бошқасига кийдириш авқ олиб кетди. Али-Валига, Эшмат-Тошматга айлантирилди. Бу ишда иштирок этганлар ўзларини гўе чет эл детектив фильмларидаги қарамонларга қисс қилишарди. Валиев, Шамсутдинов, Калонов ва бошқаларнинг хаёлида бу операцияни на Шерлок Холмс, на комиссар Каттани фож қила оларди. Чунки ҳужжатларнинг бари жой-жойида, ҳеч ким оғзидан гулламайди-чунтагиди пулнинг бир уч тилага боғлаб қўйилган.

СУДЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ-ДАН: «Калонов 14.07.93 йилда дорилфунунинг ўзбек маданияти ва санъати факультетига ўқишга кирмоқчи бўлган абитуриент Абдуқодиров билан ўзаро сўхбатда талаба бўлиш учун пора бериш лозимлигини, агар у рози бўлса, катталар билан гаплашишларини билдирган».

19.07.93 йилда Калонов Абдуқаюм Абдуқодировдан (абитуриент Абдуқодировнинг акиси) 312000 рубль пулнинг Болтабоев билан биргаликда унинг хизмат хонасида сўхбат олган. Ваъда қилинган 88.000 рублди тез кунда келтириб беришиликни таяинлаган».

Калонов Абдуқодировдан

қўнур ўрганилмади, товламачилик ва ҳужжатларни қалбақлаштириш ҳаракатларини асоссиз никоҳ остига олишга уринилди. Аммо фирибгарларнинг нафранглари Олий суд эътиборини четлаб ўтмади. Йўл қўйилган хатолар ўз вақтида аниқланди. Содир қилинган жиноят республикамиз тараққиёти, равнақи ва эртаси учун эҳли ёш мутахассисларни тайёрлаш ишда ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан хавфли эканлигини баён этиб, ўз қатъиятини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов коллегиясининг 1994 йил 29 августдаги аҳримидан:

«Коллегия... келтирилган қассация протестини қувватлаб, ишнинг янгидан суд мажлисида қўриш учун юборишни лозим топди».

Шунингдек, коллегия аҳримидан Р. Калонов, У. Болтабоев, Н. Йўлдошевга енгил жазо тайинланганлиги, иш бўйича судланган А. Тиловолиев, С. Абдурахмонов, М. Собиров, А. Абдуқодиров, А. Хасанбоев, М. Дадабевларнинг жиноятга тўла юридик баҳо берилмаганлиги, уларни муайян мансабни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум этиш каби қўшимча жазо тайинламаганлиги ва ҳоказолар ҳақида ба-тафсил баён этилади.

Ва, ниҳоят, ҳақиқат қарор топди. Фаргона вилоят судининг 1995 йил апрель ойидаги жиноят иши юзасидан иккинчи марта чиқарган ҳукми билан Шамсутдиновнинг жазоси илгари 3 йил бўлган бўлса энди 6 йилга, Калоновники 4 йилдан 10 йилга, Болтабоевники 4 йилдан 8 йилга озолиддан маҳрум қилиш билан яқун топди. Шунингдек, судланувчилар Собиров, Тиловолиев, Абдурахмоновлар илгари озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланмасдан, шартли жазо билан қи-фолланган эди. Кейинги судда Собиров 5 йилга, Тиловолиев ва Абдурахмонов 4,5 йилга, Дадабев эса 4 йилга озодликдан маҳрум этилиб, суд залидан қамқоққа олиниди.

Дарвоқе, зийрак газетхон қабул комиссияси масул котиби С. Валиев тақдир ҳақида ҳам қизиқибди, табиий. С. Валиев 1994 йил март ойида вафот этганини сабабли жиний ишнинг унга оид қисми суд аҳрими ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 5-моддаси 8-бандига асосан ҳаракатдан ётқизилган.

Қаранг, шундоқ энгинамизда тўғрилиқ ва эгрилик, ҳалоллик ва олоқлик, адолат ва қабохат, ҳақиқат ва разолат ўртасида жангу жадаллар кетмоқда. Бир ёнда эса халқимизнинг азалий аънаналари — адолат мезони учун, инсон шайни ва кадр-қиммати, қонун устиворлиги учун беава қурашилмоқда. Зеро, қадрятлар учун қурашган одам ҳаммиша кадр топган, эл эъзозидо бўлган. Зотан, умр ўткинчидур, инсон қадри эса йитмас ва умрбоқийдир. Худди қурраи замин каби мўкин, осмоню фалак каби собит. Ер Офтоб гирдида, етти қароқчи Оттин қозик меҳваридо айлангани каби асрлардан асрларга ўтгуси, БУЮК НОМ бўлиб яшагусидир.

Эсирган БОЛИЕВ, «Халқ сўзи»нинг махусе мухбири.

«ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ» ШУ ЙИЛ 26 АВГУСТДАН 3 СЕНТЯБРГАЧА ТОШКЕНТДАГИ «ЮНУСОБОД» СПОРТ КОМПЛЕКСИДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КУБОГИ УЧУН ПРОФЕССИОНАЛ ТЕННИСЧИЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ТУРНИРИ ЎТҚАЗИЛАДИ. Унда жаҳондаги энг кучли теннисчилар иштирок этишади.

«МУСҲАҚИЛЛИК» ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ «МУСҲАҚИЛЛИК» пул-буюм лотереясини сотиб олиб, Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин. ЮТУҚЛАР ТИРАЖИДА АВТОМОБИЛААР, ТЕЛЕРАДИОАППАРАТУРАЛААР, МЕБЕЛЬ ТЎПЛАМАЛАРИ, ЭЛЕКТРЖИҲОЗЛААР, КИР ЮВИШ МАШИНАЛАРИ ВА БОШҚА ТУРДАГИ ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ ЎЙНАЛАДИ. Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм. Лотерея билетларини Жамфарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин. Ютуқлар тиражи 1995 йил 29-30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади. Тўлиқ маълумотларни Жамфарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43. СИЗГА ОМАД ШУЛАЙМИЗ! МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, МАРКАЗИЙ БАНК, ЖАМФАРМА БАНКИ, АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКСАВДО, ЎЗБЕКБИРЛАШУВ



✉ **Етти ойда редакция-миз жойлардан 3000 га яқин хат-хабар олди.**

✉ **Шунинг 2000 га яқини газетада эълон қилинди.**

✉ **Келган шикоят, аризаларнинг умумий сони 330 та ни ташкил этди. Улар асосида 150 га яқин танқидий мақола тайёрланди.**

✉ **Шулардан 175 тасига кўтарилган муаммолар ижобий ҳал этилганлиги ҳақида мутасадди раҳбарлардан жавоб келди.**



• **Бир хат узидан**

## ПОРАХЎРЛИКНИНГ АНТИҚА УСУЛИ

### ЁХУД ТУГРУҚХОНАДАГИ ПАШШАЛАР

**Беморларга ҳаёт баҳи этиб, улар дарди-га малҳам топаётган қўли енгил, дили пок шифокорларга тасаннолар айтгинг келади. Бироқ...**

Қизилтепалик Мурод Олимов туманининг «Куйимзор» жамоа ҳўжалигида ишлар экан. Адолатнинг қудрати, ҳақиқат тантанасига ишонади. Шу ибтиҳон боис у ўз бошига тушган савдолар ҳақида шундай мактуб йўллади:

деган жавобни олгач — бу худонинг эмас, бандасининг иши, инсон тақдирига ўта совуққонлик оқибати эканлигига ишонч ҳосил қилган. Ушбу фикрга кимдир эътироз билдириши мумкин. Шу боис яна

ди, аммо аниқ жавоб йўқ. Ростдан ҳам у кимга аталган? Нўноқ шифокорларгами ёки беморларгами? Аммо-лекин ўша шир топиб айтилган. Ҳар ҳолда касалхонага келган бемор шифо тополмас, қўнгли сендан қолмайди-ла, инсон бу дунёга меҳмон бўлгач...

Барчага маълумки, туғруқхонага ҳар қандай эркак кишининг кириши маъ этилган. Бизга истисно тариҳида марҳамат кўрсатдилар. Бироқ бу

— Биласизми, бензин масаласи чатоқ,— дейди Йўлдош ака.

Дард эса тўсатдан келади. Бензин сўраб ёки беморнинг чўнтагини қовлаб утирмайди. Лаҳзалик хасталиклар борки, у бир неча дақиқада инсон ҳаётига зомин бўлиши мумкин. Уларга баҳона излаб бўлармикин?

Шифокор учун энг оғир гуноҳ таъмағирлик ва порохўрликдир. Қизилтепа марказий

Ҳа, порохўрда юз бўлмайди. Ногиронми, хастами — унга барибир. Туғруқхоналарда эса бунинг антиқа йўлини топишган. Суюнчи тариҳасида олишди. Азаллий удумимизнинг ўз қирралари бор. Суюнчини суюнган киши истаса беради, хоҳлаганга йўқ. Хабарчи эса суюнчи беришмасда хафа бўлмастлиги лозим.

Мурод аканинг ташвишлари шу билан якун топмади. У хаста қизини Тошкентга олиб бориши, даволатиши, операция қилдириши лозим эди. Сир эмаски, ўша пайтларда лори-дармон танқислиги мавжуд эди. Шу боис М. Олимов лори-дармон масаласида А. Носировга мурожаат қилди, рад жавобини олгач, гинеколог И. Очловга борди.

«Мен ўша кунни доридармон тополмадим.

• **Газетхон: миннатдорчилик билдиради**

## ИЗЗАТ-ЭЪТИБОРДАН МАМНУНМИЗ

Хатирчи туманининг Олтинсой оқсоқоллар кенгаши худудида яшайман. Қарнчиликми, уруш асорати-ми, яқинда бетоб бўлиб касалхонага тушиб қолдим. Бош шифокор Равшановдан тортиб оддий ҳамшираларгача меҳр билан қарашди. Уларнинг ҳушмуомаллигини айтмайсизми...

Шифокорларнинг тинимсиз муолажалари ўз таъсирини кўрсатди. Касалхонадан чиққач, Ғалабанинг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантаналарда иштирок этдим. Туманимиз уруш фахрийларига кўрсатилаётган иззат-иқромдан кўнглим тоғлай юксалди. Биз уруш ва меҳнат фахрийларига доимо ғамхўрлик қилиб келаётган, уларнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб турган туманимиз раҳбарларидан фойат миннатдоримиз.

Юсуф ҚАРШИЕВ,  
1-гурӯх уруш ногирони, Навоий вилояти.

**Тибет табиоти табиат яратган мевалар ва усимликларга катта аҳамият беради. Чунки улар организмни саломатлаштиришда, мустаҳкамлашда ва ёшартиришда муҳим ўрин тутади. Қуйида баъзи мева-савбазовлар ва усимликларнинг фойдалари ҳақида ўқийсиз.**



**УРИК.** Урик мевалари шифобахш усимиятга эга. Унинг таркиби калий ва темир моддаларига бой. Юрак-қон томир, камқонлик касалликларига катта ёрдам беради. Шакар моддаси кўп бўлганлиги учун қандли диабет билан оғриган касалларга тавсия қилинади.

**АНЖИР.** Анжир — соғломлик ва гўзаллик мевасидир. У тананинг ичак фаолиятини яхшилашда, қон айланишини нормаллаштиришда катта аҳамиятга эга. Қонни тозаловчи, инсон рангини тиниқлаштирувчи мевалардан саналади.

**ПЎРТУҚОЛ.** Ҳаммамиз яхши биланган пўртуқол, яъни альесин бош айланмишда, кўз тинишида, иштаҳа йўқлигида, силла қуришида, ҳам қилиш жараёнини яхшилашда, ошқозон ости беши, жигар, гипертония (ҳафақон), бронхит астма, юрак-қон томир касалликларини даволашда жула фойдали мевалар.

**УЗУМ.** Узум меваси ва шарбати юрак-қон томир касалликларига, қон босимига фойдасиз катта. Узумни эрталаб ва кечқурун овқатдан бир соат олдин ейтиш тавсия қилинади. Узини узум билан даволашга ўтган беморлар ҳам сўтлан, ҳам мевалардан, спиртли ичимликлардан, минерал сувлардан парҳез қилишлари лозим.

**ХУРМО.** Ақлий меҳнат билан шуғулланувчиларга фойдасиз катта. Хурмо мия томирларининг яхши ишлашига ёрдам беради. Унинг таркибиде мия фаолиятини яхшиловчи моддалар: фосфор, кобальт, мис ва бошқа микроэлементлар кўп. Хурмони боши тез айланадиган, худдан кетадиган кишилар кўпроқ истеъмол қилишлари лозим.

**БОДРИНГ.** Иштаҳа очинишда, қорин дам бўлишида, ошқозон-ичак фаолиятида катта аҳамиятга эга. Айниқса, бодринг сувига оз миқдорда асал аралаштириб истеъмол қилиш ошқозон ва ичакнинг ало даражада ишлашига ёрдам беради.

**КАРАМ.** Иштаҳа очилишида, қорин дам бўлишида, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак ирралига фойдалидир.

**ТАРВУЗ.** Тез ҳазм бўлувчи углеводларга бой неъмат. Ичак ва ошқозоннинг нормал ишлашига ёрдам беради.

**ҚИЗИЛ ҚАЛАМПИР.** Иштаҳа очувчи, фикрни тиниқлаштирувчи, ошқозоннинг яхшиловчи усимлик. Лекин ошқозон ва ичак иррали бор беморларга тавсия қилинмайди.

**ЕНГОҚ, МАЙИЗ, ПИШЛОҚ.** Буларни мунтазам равишда истеъмол қилиб туриш асаб тизимини мустаҳкамлайди.

Баҳриддин ТУҒҒУНОВ тайёрлаган.



# ХАЛҚ СЎЗИ — ҲАҚ СЎЗ

### МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИ — ХАЛҚИМИЗНИНГ ИЗЗАТИНИ ЖОЙИГА ҚЎЙИШ

бир фактни айтмай. Мен туман марказий касалхонасида бўлиб, Нигоранинг «касаллик тариҳи»ни сўрадим. Эрталабдан то шомгача кутдим. Топиб келолмадилар. Бош ҳақим А. Носиров, муовини Й. Эшонқулов турли хил вақт-карсонлар кўрсатди. Биргалика архивга бордик. Эшикка отнинг калдасидек кулф осимлик. Кейин архив мудирасини излашди. Йўқ, на мудир, на биз истаган ҳужжат топилди. Эҳтимол, уларнинг фикрича, мен «касаллик тариҳи»дан ҳеч нима тополмасман. Бироқ мен шу қилди-қилди жараёнида улардаги ўта совуққонлик ва локайдликни топдим.

Касалхонанинг қоқ марказига «Инсон бу дунёга меҳмондир», деб ёзиб қўйилган. Мен ушбу «шиор»ни изоҳлаб беришни бош ҳақим А. Носировдан сўрадим. У зоққ чайнал-

истисно чивин ва пашшаларга ҳам берилган экан. Пашшалар туғруқхонани тўлиқ эгаллаб олишди. Бу эрлик шифокорлар уларга ҳам хизмат кўрсатишда чоғи, ҳалдан зиёд қўлланган. Хуллас, туғруқхона озодаликдан бошланди, деган фикр бу ерта мутлақо тўғри келмайди.

Мен Нигоранинг туғруқхонага ётқизилганлиги қайд этилган китобни сўрадим. Нигора баҳона бошқаларнинг қайд этилишига ҳам эътибор бердим. Саксон-тўксон фоизи «ўзи келган» деб ёзиб қўйилган.

— Нима, сизларда «Тез ёрдам» ишламайди? Беморларнинг деярли барчаси ўзлари келишган. Ҳатто соат икки, тўртда келганлари ҳам бор,— дея сўрайман бош ҳақим муовини Й. Эшонқуловдан.

шифохонасида бўлганимда, шу ҳақда уйлалдим. Шу боис туман прокуратурасига мурожаат қилиб, шу тўғрида иш бор ёки йўқлигини сўрадим. Мана «свежий» факт, дейишди улар.

«Туман марказий поликлиникасининг шикастланганлар бўлими враччи Ориф Эргашев «Тошрабод» жамоа ҳўжалигида яшовчи II гуруҳ ногирони Ҳазрат Жумаевдан пул талаб қилиб, олаётган пайтда туман прокуратураси ходимлари томонидан ушланган. Ушбу факт юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, Ориф Эргашев етти йилга озодаликдан маҳрум этилди».

(Қизилтепа туман прокуратурасининг катта ёрдамчиси С. Самаловнинг маълумотномасидан).

Кейинги кунни пенцилин, глюкоза, система ва витамин I топиб қўйдим. Лекин улар келишмади». (И. Очловнинг тушунтириши хатида).

Ушбу сатрларни ўқиб, уйланиб қоласан киши. Бу шифокорнинг оддий одамгарчилиғи ёки алдамчилиғи? Доридар қасрдан «топиб қўйилган»? Дорихонаданми? Ҳар бир беморга шундай марҳамат кўрсатишга шифокор маоши етармикан?!

Биз Қизилтепа туманидаги тиббиёт муассасалари фаолиятининг бир қисми ҳақидагина ёдик, холос. У ерда болалар ўлими, иш юртишлагига хато ва камчиликлар тўғрисида тўхталмадик. Бу алоҳида мавзу. Ҳозирча айтадиган гапимиз шу: оқ халатга доғ тушибди. Уни тезроқ ювиш керак.

Темир ЭШБОВЕВ,  
«Халқ сўзи» муҳбири.

• **...Танқид қилади**

## НАФАҚАТ ИЧИМЛИК, БАЛКИ ОҚАР СУВ ҲАМ ВАЪДА ҚИЛИШУВДИ-Я...

Узум мусалласи қанча зоққ сақланса, кучи шунча ўткир бўлармиш. Агар ваъда зоққ йиллар ваъдалигича қолиб кетаверса-чи?! Гап шундаки, бизнинг Қарши шаҳар, Озерная-3 кўчасидаги 25 та хонадонда яшовчилар қарийб уч йилдири — март ойдан октябрь ойига қадар сув ўрнига раҳбарларнинг ваъдаларини «ичи-шаётибди». Ўтган йили бу ҳақда республика радиосига арз қилинган, мутасаддилар бироз ҳаракатга тушишди. Шундан сўнг ичимлик суви билан бир қаторда оқар сув ҳам келтиришларини айтишди. Орадан бир йилга яқин вақт ўтапти ҳамки, ваъданинг ижросидан дарак йўқ. Кўчмиз аҳолиси эртаю-кеч челаёқларини кўтариб сув қилиришса, эккан даракларимиз сувсизликдан қовжираб қуриб борапти. Бу ҳол Қаршидаги бирор мутасаддин ташвишлантираётгани йўқ.

Н. ҚОЗОҚОВА.

Қапқаларё вилояти.

• **Сўраган эдингиз**

## МЕҲНАТ ҚОБИЛИЯТИНИ ЙЎҚОТГАНЛАРГА ҚАНДАЙ ИМТИЁЗ БЕРИЛАДИ?

**САВОЛ:** Мен Чернобыль АЭСи фалокати оқибатларини туташида қатнашганман. Ҳозир саломатлигим кундан-кунга ёмонлашяпти. Мен ногиронлик гуруҳини олишим учун қандай ҳужжатлар керак?

Б. КОДИРОВ.

Тошкент вилояти.  
ЖАВОБ: Агар сизнинг Чернобыль АЭСи фалокати оқибатларини туташида иштирок этганлигингиз ҳақида ҳужжатларингиз бўлса, Олий Кенгаш ва Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 апрелдаги қарорига асосан, сиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси қошида тузилган комиссияга учрашишингиз мумкин. Уларнинг ҳулосасига кўра, яшаб турган жойингиздаги ТМЭК га мурожаат қилишингиз керак.

**САВОЛ:** Мен иккинчи жаҳон уруши қатнашчисиман. Саломатлигим яхши эмас. Иккинчи жаҳон уруши ногирони гуруҳини олишим учун қандай ҳужжатлар талаб этилади?

Т. ҚЎЛДОШЕВ.

Фарғона вилояти.

**ЖАВОБ:** Собиқ СССР Меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирликлари тўғрисида 1975 йил 3 июлдаги ҳамда 1985 йил 18 мартдаги хатларига, шунингдек, собиқ СССР Министрлар Советининг 1990 йил 17 сентябрдаги қарорига асосан, уруш қатнашчиларининг уруш ногирони гуруҳини олиши учун уруш даврида даволанганини тасдиқловчи ҳужжат, урушдан қайтганидан кейинги 5 йилгача даволангани тўғрисидаги касаллик тариҳидан кўчирма бўлиши керак. Шундангина уларга иккинчи жаҳон уруши ногирони гуруҳи берилди.

**САВОЛ:** Мен 3-гуруҳ ногирониман. Соғлигим ёмонлиги туфайли бир кун ишламас, уч кун даволаман. Менинг II гуруҳ ногиронлигимга ўтишим мумкинми?

Ш. АЗИМОВА.

Термиз шаҳри.  
ЖАВОБ: Агар қўлингизда умумий аҳволингиз оғирлаётганини тасдиқловчи тиббий ҳужжатларингиз, масалан клиника, вилоят ва туман марказий шифохоналари шифокорларининг ҳулосаси бўлса, ушбу ҳулосага асосан, туман ТМЭКи ногиронлик гуруҳингизни ўзгартириб бериши мумкин.

**САВОЛ:** Мен Чернобыль АЭСи фалокати оқибатларини туташида қатнашганман. Ҳозир саломатлигим кундан-кунга ёмонлашяпти. Мен ногиронлик гуруҳини олишим учун қандай ҳужжатлар талаб этилади?

Т. ҚЎЛДОШЕВ.

## АГАР ГУВОҲ БЎЛИБ ҚОЛСАНГИЗ...

**САВОЛ:** Мен яқинда бир жасоат ишида тасодифан гувоҳ бўлиб қолгандим. Шу боис мени бир неча бор милиция терговига ва туман судига чақиртиришди. Ана шу даврлар учун иш жойимдан қай тартибда иш ҳақи тўланади?

Ақбар ИБРОҲИМОВ.

Самарқанд вилояти.  
ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг 319-моддасига бинноан, сизни чақиртирган терговчи ёки судья чақирқиқ қоғозига қайси кунлар ва соатларда мазкур маҳкамда бўлганлигингизни тасдиқлаб белги қилидилар. Шунга асосан, сиз ишлаётган кор-

хона ёки муассасида ўртача иш ҳақингиз сақланиб қолади.

**САВОЛ:** Аввали ишлаган жойимдаги стажим меҳнат дафтарчама қайд этилмаган экан. Учрасам, архив ҳужжатлари йўқолишини айтишди. Мени пенсия ёшидаман. Лекин пенсияга чиқишим учун стажим етмайпти...

Алвар ЮСУПОВ.

Фарғона вилояти.

ЖАВОБ: Сиз ўша ишлаган даврингизни тиклаш учун камиде иккита гувоҳнинг кўрсатмаси асосида ҳужжат тўлдирасиз. Ўша гувоҳлар Сиз билан ишлаган кишилар бўлиши лозим.

**Қува туманидаги Мамазор Обидов номли жамоа ҳўжалиги деҳқонлари бу йил 495 гектар майдонда гўза ўстиришмоқда. Ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил олиш — тажрибакорларнинг жорий йилдаги мўлжали. Шунинг учун ҳам ҳўжаликда гўза парваришини агротехника қондалари асосида ташкил этиш барчаннинг диққат марказида бўлмоқда. Айниқса, бу борадаги ишлар Ҳанифахон Ҳасанбоева бошлиқ бригадада намунали ташкил этилмоқда.**

**СУРАТДА: бригада бошлиғи Ҳанифахон Ҳасанбоева.**

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.



## «НИМА БЎЛДИ СЕНГА, УЧҚУДУҚ?»

(«Халқ сўзи», 1995 йил 28 февраль)

Учқудуқ тумани муаммолари баён этилган ушбу мақола юзасидан туман ҳоқими А. Храпов қуйидагича жавоб юборган:

«Кўтарилган масъала бўйича муҳокамада туманда иқтисодий ислохот ва тадбиркорликнинг суест ривожланиши, ечиладиган муаммоларининг кечикаётгани уқтириб ўтилди. Бу масъалада жамоа ҳўжалиқларининг ранселари иш олиб боришда суесткилик қилаётганлиги танқид қилинди. Иқтисодий ислохотни ва т-

биркорликни ривожлантириш ҳамда туман худудида фаолият кўрсатаётган тадбиркорларга қўшимча имтиёзлар яратиб борасида тадбирлар ишлаб чиқилди.

Тадбирларда тумандаги барча жамоа ҳўжалиқларида гилам тўқиш, тери хомашларини қайта ишлаш ҳамда қўй ва туя жунаридан мато тўқиш цехларини очини чоралари кўзда тутилган.

Булардан ташқари, ҳўжалиқлар раҳбарларига сўғориладиган ерлар очиб, озуқа ва полвэ эккинларини экин вазибалари ҳам топширилди.

Ҳозирги кунга келиб тумандаги «Минбулоқ» жамоа ҳўжалигида 80 га. ва «Дустлик» жамоа ҳўжалигида 20 га. сўғориладиган

ерларнинг 80 фоизига кузги экинлар экилган».

## «МАЙМУН ЙИЛЛАГАН ҚИШЛОҚ»

(«Халқ сўзи», 1995 йил 31 март)

Юқоридаги сарлавҳа остида чоп этилган мақолада Деҳқонобод туманидаги Қалча қишлоғи аҳолиси муаммолари қаламга олинган эди.

Туман ҳоқими Ч. Қўшоқовнинг муҳарриратимизга йўллаган жавоб хатиде мақоладаги эътирозлар ҳоқимлик томонидан атрафлича ўрганиб чиқилганлиги баён этилган.

«Мақолада таъкидланганидек, «Қўнғирот» жамоа-ширкат ҳўжалиги (ҳозирги «Тоғайтемир» деҳ-

қон ҳўжалиги) худудидаги Қалча қишлоғи аҳолиси ҳам ичимлик сувидан фойдаланишда айрим қийинчиликларга дуч келмоқда. Айни пайтда «Бонбулоқ-Оқиртама» сув қувурининг асосий қисмида калчликлар фойдаланаётгани тибди. Афсуски, аселида Бонбулоқ сув манбаининг ўзи кам. Шунга қарамасдан, халқин ичимлик суви билан имкон қадар таъминлаш чора-тадбирларини қўрмагани учун «Тоғайтемир» деҳқон ҳўжалигининг илти раҳбари А. Холбутов ва «Қўнғирот» жамоа-ширкат ҳўжалигининг ранси Т. Холтурасевлар оғоҳлатирилди.

Биз халқимиз эҳтиёжларини қондириш йўлида барча зарур чора-тадбирларни қўрагимиз, деб Сизларни шонтирагимиз».

Янги асар

Туркум ҳикоялар, қиссалар муаллифи, ёзувчи Мақсуд ҚОРИЕВ ўзининг етмиш ёши арафасида азиз ватандошимиз, буюк аллома, ҳақим Ибн Сино ҳақидаги романини ёзиб тугаллади. Бу унинг «Сўғд ўғли» (Спитамен)дан кейинги ёзган иккинчи тарихий романидир. Қуйида ҳурматли муштарийларимиз эътиборига муаллифнинг ана шу асаридан парча ҳавола этмоқдамиз.



Ибн Сино кечаги қарори буйича эрта билан турди-ю, раста томон, Абдуссамал китобфуруш хузурига равона бўлди. Бугун бозор куни бўлмаганлиги учун кўчаларда одам ўнчалик кўп эмас. Китобфуруш ўз дўконидан нонушта қилаётган экан. Ҳақимни кўрди-ю, ўрнидан туриб, пешвоз чиқди. — Келинг, тақсир. Бугун нечук эртарақ ташриф бўрибисиз? — Мен сизга ўз миннатдорчилигимни билдиргани келдим. Кеча менга жуда ажойиб китоб сотган экансиз. — Ҳа... Ҳа, эсим курсин, қариллик-жа. — Китобнинг эгаси бўлмиш аёл келиб қолурмикан? — Албатта, тақсир. Пулни олиши керак. Келинг, бир тиела чой ичинг. — У аёл қаерда истиқомат қилур эркан, билмайсизми? — Парранда бозори ёнида... Оташ қасри бор-ку?... Биби Сарвиноз десангиз, ул заифдан кўпчилик танийдур. — Оташпарастларданми? — Билмадим. Балки шундайдир, тақсир. — Раҳмат, минг раҳмат сизга. Майли, уч дирҳам сизга бўлсин. Аёлни мен ўзим рози қилурмен... — Йўқ, тақсир, бу мусулмонликка тўғри келмас, менинг ҳақимда ёмон фикрда бўлмағайсиз, ул аёл ҳам. Мана, тангани эҳтиётлаб қўйибурмен, буни ҳам беринг, уёғи ўзингизнинг ҳақматингиз, — деди-ю, чарм ҳамёндан тангаларни олиб, кўйра-қўймай ҳақимга қайтарди.

гандек. Тушимму ё ўнгимму, қайдан пайдо бўлиб қолди бу дилбар, ҳаёлидан ўтказди. Санамнинг ҳолатини сўз билан ифода-лашга тил оқиб. Ҳойибдан табиғат кўнгли берган, мана энди эса, Аллоҳнинг марҳаматини ё қудратини, истаган, орзу қилган, севган кишини эшити ёнига келиб турибди. Қўзларига ишонмайди, тушда кўраётгандай. Қизиқ, ё бир мўъжиза руй бердимикан, ҳулога чин дилдан ёлборгани, тилгани инобатта ўлдимикан э?... «Кеча-кундуз ҳаёлим унда эди, растанга бир кунда неча бор келардим, йўлгига кўз туртардим. Мана, орузим ушалди. Тоат-ибодатларим ижобат бўлди!»

Лекин қизнинг гурури буюк, ҳатто ҳақимникидан ҳам. Юрагиди дардини ҳеч қачон, ҳеч кимга ўлса ҳам айтмайди. Бунақадим. Балки шундайдир, тақсир. — Раҳмат, минг раҳмат сизга. Майли, уч дирҳам сизга бўлсин. Аёлни мен ўзим рози қилурмен... — Йўқ, тақсир, бу мусулмонликка тўғри келмас, менинг ҳақимда ёмон фикрда бўлмағайсиз, ул аёл ҳам. Мана, тангани эҳтиётлаб қўйибурмен, буни ҳам беринг, уёғи ўзингизнинг ҳақматингиз, — деди-ю, чарм ҳамёндан тангаларни олиб, кўйра-қўймай ҳақимга қайтарди.



ИБН СИНО (тарихий романдан парча)

Ибн Сино Оташ қасри ёнидаги бир дўкондан Биби Сарвиноз исми аёлни сўраган эди, мулоқотда очик эҳтиши кўрсатиб юборишди. Ибн Сино эшик рўпарасида тўхтаб, зулфини қолди. Ҳовлида яланғоч икки ёш бола сўз уйнамоқда. Ёши элдиқлар ҳамасидаги бир аёл жомашова кир ювиш билан машғул. Унинг кўринишидан бир вақтлар анча чиройли бўлганлиги билиниб турарди. Ҳа, Абдуссамал айтган аёл шу. Аёл эшикдан кириб келаётган бегона кишини кўрди-ю, рўмолини юзига тортиди. Ким экан, бунақа яхши кийинган, деб кўнглидан ўтказди. Зодагон одамлар бу маҳалларда камдан-кам бўлишди. Сипоҳи қийинган чақмоқдек йигитнинг ташрифидан ажабланиб, аёл «Сайдулла, бу ёққа кел», деб сўз уйнаётган болалардан бирини чақирди. — Кечирасиз, — деди Ибн Сино аёлга салом бериб.

қаси камдан-кам учрайди бу дунёда. Ҳа, дилидаги ниҳон тутайди. Ҳатто ота-онасига ҳам сир бермас. Шунча қайсар, шунақа улғувор, ифбатли. — Қани, тақсир, бир оёқ утиринг, Санам сизга ҳаммасини сўзлаб берур, — деди Биби Сарвиноз. — Уялма, қизим, яқинроқ кел.

Ниҳоят, Ибн Сино кўрпачага чиқиб, ийманибгина утирди. Аммо юраги бетинч, қаршида унга тикилган юлдуз кўзлар уни ўта ҳаяжонга солмоқда. Бунақа ҳолатга биринчи бор тушиши. Нима қилса ҳам ҳозир балога тўшади. Шу топга қадар бирор марта уйланиш, оила бунёд этишгани ҳаёлига ҳам келтирмаган. Бирор бегона қиз билан сўзлашмаган ҳам. Фақат ўқиб, иш, кутубхона, таъбат ва бошқа ўзи суйган ишлар, бунақани юрак депинишлар ҳаёлига ҳам келмайди. Онаси Ситорабону гоҳо-гоҳо уялига шу ҳақда сўз очиб қолгундай бўлса, Ибн Сино ўзини гўё эшитмаганликка олар, баъзан ҳазиллашиб, мендан олдин Маҳмудни уйлантирингиз, дерди.

— Хурматли тўрама Бахтинур ўқиган анави китоб ваҳидан келган эмишлар. Бахтинур уни қимдан харид қилганини сенга айтмаганимди, қизим? — Санам ялт этиб Ибн Синога қаради: ия!.. Демак... Энди тушундим, уша китоб шу олийжаноб, йигитлар сўлтонини кулбамига бошлаб келибдур. Уни яқиндан бир кўриш орузида эрдим, мақсадимга эришдим. Энди яна бир бор шафқатингни кўрсат, худойим, орзуларимга еткур. — Биби Сарвиноз ҳайратланиб Санамга юзланди: нега қотиб турибди бу қиз? Тили ҳам калимага келмай қолди чамамда. Бунақа олати йўқ эди-ку! Йигитдан сўзласанг, нақ осмонга саҳрарди, ўзига улғудек бино қўйган, унақа-бунақа одамларга сўз бермайди, гоят ман-ман қиз, гўё шу дамда сеҳрланиб қолгандай жим... Нечун?... — Китобни сўраптилар, Санам, — деди Биби Сарвиноз ўқтармоқ овозда. — Ҳа, ал-Фаробий... биттан китобинми? — деди Санам. — Нима бўпти, яхши китоб ул.

— Сиз ҳам уша рисолатни мутотлап қилганмусиз? — деб сўради Ибн Сино қизни гапга солиш мақсадида. — Уқитанмен, — деди Санам. — Баракалло, офарин!.. Санам индамай, бошини қўйи эгди: офарин дедилар-а!.. Хул қизиқ уйламаган иш бўлди. Таваб, қисматни қаранг-а, Ибн Сино билан шундай учрашаман деган фикр етти ухлаб тушимга ҳам қирмаганди. — Авф этинг, мени, Санамжон, — деди Ибн Сино қизнинг ҳаёлини тўзатиб. — Китоб асли кимники эрди, билмайсизми? — Бахтинур яхшигина ҳаттот. Ул китобни қайданлур топиб келиб, ундан нуҳса кўчирган эрдилар. Кейин Биби Абдуссамал китобфурушга элтиб берган эрдилар. — Ҳаттот денг. Жудда яхши ҳўнари бор эркан, иншооллох, кам бўлмас.

Ўртага жимлик чўкди. Сўзлашиш учун бирор баҳона йўқдек, ҳамма гап тамом. Энди бунда ортиқ қолишга ҳожат йўқ. Бегона аёл уйда бегона йигитнинг бир зебо қиз билан гурунлашиб туриши— одобдан ҳам эмас. Ибн Сино қолса, бу хонадондан асли кетгиси келмаётган эди. Аммо кетмоқдан ўзга чора йўқ. Ер остидан Санамга тикилади, негадир қизнинг меҳрибонлиги уни қўйиб юбормас эди: балки қизнинг бирор-бир сеҳри бормикан? Нега бундай бўлапти ўзи? Ибн Сино ночор фотиҳа ўқиб, ўрнидан турди.

Санам безовта: мана энди кетиб қоладилар. Шунча-да, бул кишининг ёду ҳаёллари фақат китобда, истасалар ўн нуҳса, юз нуҳса кўчириб берур эрдим. Хоҳдасалар умр бўйи ҳаттотлик қилур эрдим. Мен хатто Рудакий, Фирдавсий газалларини ҳам хатти шикастада бул кишимга китоб қилиб берур эрдим. — Бахтинур ўғлингизга мендан кўп раҳматлар айтингиз. Хузуримга борсин излаб. Истаса шогирд қилиб олурмен. — Сиз ким бўлурсиз? — деб сўради Биби Сарвиноз. — Мен — Ибн Синомен. Биби Сарвиноз: — Вой!.. — деди ултириб қолди.

Санам Биби Сарвинознинг аллатовур саросималаниб қолганлигини кўриб, майингизга кулиб қўйди. Шундай улғу одам унинг даргоҳида! Биби Сарвиноз шартта кигиз тағдиги ҳаёнини олиб, улғу ҳақимга тавозе билан узатиб: — Мен пул олмайдурман, — деди. — Ахир, уят эмасми сиздек улғу табибдан китоб учун уч дирҳам ҳақ сўрасам. Уғлим эшитиб қолса, асло кечирмас мени. Йўқ, йўқ, агар қайтариб олмасангиз, хафа бўлурмен. — Уч дирҳам эмас, мен сиздек олийжаноб онайизорга бир неча олтин танга ҳада этим келди, холос. Зора сизга нафи тегса... Агар олмасангиз, сиздан қаттиқ ранжиб, бундан кейин уйингизга қалам босмайдурмен. Мана, Санамжон ҳам гўво бўлсун. Маъқулим гапим, Санамжон? — деди Ибн Сино.

— Холажон, олаберинг тортинмай, атайлаб келибдурлар, яна келиб тураман дедилар... Шундайми? — деди Санам. — Худди шундай, — деди Ибн Сино. — Ташаккур сизга! Чиройли исмингиз жисмингизга монанд эркан. Санамнинг икки юзи анордек қизариб кетди. Узини қаерга кўйрин билотмай, турган куйи узун сочларини бормоқларига ўрайверди. — Хайр, яхши қолдинглар! — деди Ибн Сино яна бир бор Санамга меҳр билан тикилиб. — Худло тулроқ олсангиз олтин бўлеун, бахтли бўлинг!.. — дея Биби Сарвиноз дуо қилиб қолди.

Санам эса беихтиёр бир неча олим эргашди, шивирлаб тўхтади: ай худло, ул кишининг жомолидан илоё мени бенасиб этмағайсен!.. Ибн Сино тор қўчалар бўйлаб бормоқда. Мана, яна Оташ қасри. Бу — муқаллас даргоҳ, Оташпарастларнинг қадимий эҳром. Ҳақим зардуштийлар ибодатхонасида ҳам бўлган, Қоҳинпад касал бўлиб қолганда олиб келишган. Бутхона безакларига, гўзал санамларига кўзи тушган. Аммо бу бутхоналар ичра ҳам анавидай соҳибжамол санамни учратмаган. Кўз унгидан Санамнинг эшик ёнида худди шамшодек қадди-бастини намоён этиб тургани, унинг ўли қарашлари, илиқ табассуми кетмасди. Қаранг-а, қошларининг саждагоҳи олдида санамлар ҳам тиз чўқар.

Бир маълум орқалар. — Тўханг, бир сўровим бор, — деган эҳтиросли бир овоз эшитилди. Ибн Сино «ялт» этиб ортига ўтрилиб, Санамни кўрди. Тўхтади. — Биласизми, сиздан бир нарсас сўрамоқчи эрдим, хафа бўлмайсизми? — деди Санам майингизга кулиб. — Йўқ, сўрайберингиз, қўлогим сизда, — деди Ибн Сино. — Онангиз сизни туққанлариде хонада ҳеч ким йўқ эркан. Қарасалар, қаршилариде бир мушук турган эмиш, кўрбик кетиб сизни жомашовнинг тағига яшириб қўйибдилар, кейин ишларини битириб, сизни жомашов тағидан олган эканлар. Шу ҳақда ёзган экансиз ўзингиз: тургилдан захотим, яна қоронгуликка тушиб қолдим, кейин яна ёрулик кўрдим, деб. Шу ростми? — Рост, ҳаққини ҳам шу. — Вой, рост экан-да, а? — Ибн Сино бу ажойиб, соддадил қизга қараганча, илтифот билан кулиб. — Ҳазиллашган эдим. Ундай бўлган эмас, — деди. — Йўқ, бўлгон, бу рост, ҳақиқат, ҳамма билади.

— Майли, сизнингча бўлсун, — деди Ибн Сино. — Ҳа, рост, шундай бўлгон. Қиз бир ажиб табассум ҳада этди-ю, қаршида турган соҳибжамол йигитнинг ўгли қарашларига бардош беролмай, уйи томон югуриб кетди. Ибн Сино беихтиёр кўксини ушлаб, унсиз оҳ чекди: балки шу қиз менинг тақдирим ё қисматимдир... — Санамнинг ҳолатини сўз билан ифода-лашга тил оқиб. Ҳойибдан табиғат кўнгли берган, мана энди эса, Аллоҳнинг марҳаматини ё қудратини, истаган, орзу қилган, севган кишини эшити ёнига келиб турибди. Қўзларига ишонмайди, тушда кўраётгандай. Қизиқ, ё бир мўъжиза руй бердимикан, ҳулога чин дилдан ёлборгани, тилгани инобатта ўлдимикан э?... «Кеча-кундуз ҳаёлим унда эди, растанга бир кунда неча бор келардим, йўлгига кўз туртардим. Мана, орузим ушалди. Тоат-ибодатларим ижобат бўлди!»

Туркистон — умумий уйимиз

МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНАДА ЯҚИНЛАШУВИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Қирғизистон жанубида очилган савдо-саноат кўрсатмаси республиканинг Уш вилояти билан Эроннинг Хуросон вилояти ўртасидаги муносабатларнинг янада яқинлашувиغا хизмат қилади. Хуросондаги 46 фирма вакиллари кўрсатмага ўз маҳсулотларини келтирдилар. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Эронда биринчи ўринни эгаллаб келаётган Хуросон вилояти тадбиркорлари бу ерда қарий 200 номдаги маҳсулотларни намойиш этаятир.

шанбе-Ашгабат авиа йўналиши ҳам тикланди. Шу йилнинг 20 августидан Душанбе — Теҳрон маршрути бўйича ҳаво йўли очилиши режалаштирилган.

ҚУВВАТИ ИККИ БАРАВАР ОШДИ

Сирдарёдаги нон заводи қайта таъмирланиб, техник жиҳатдан янгилашган, унинг ишлаб чиқариш қуввати икки баравар ошди. Эндикда бу корхона бир кеча-кундузда савдо тармоқларига 15 тонна нон ва турли хилдаги нон маҳсулотлари жўналяпти.


Асосий ризқимиз — нон ишлаб чиқаришни кўпайтириш тадбирлари Сирдарё туманининг бошқа жойларида ҳам амалга оширилди. Бахт шаҳрида энг замонавий техника билан жиҳозланган янги нон пишириш цехи ишга тушди. «Янги ҳаёт» жамоа хўжалигида қурилган цех кунига икки-тонна нон чиқаряптики, бу маҳаллий аҳолидан ташқари кўшни хўжаликларни ҳам нон билан етарли таъминлаш имконини берапти.

ЯНГИ ҲАВО ЙЎЛЛАРИ

Тожикистон авиакомпанияси иқтисодий қийинчиликларга қарамай, талай йўналишлар бўйича самолётлар қатновини йўлга қўйишга иштирокда. Ҳозирнинг ўзидаёқ Уфа, Санкт-Петербург, Алмати, Бишкек шаҳарларига самолётлар учаётир. Яқинда Ду-

"ФОНОН"

Тошкент ишлаб чиқариш бирлашмаси хотирлаш хоссасига эга бўлган замонавий электрон қайд этувчи (касса) аппаратларини сотувга чиқаради



SILEX-7004 - бу ўз иш соҳаларида фойдаланувчиларнинг бугунги ҳамда эртанги кун эҳтиёжларини қондиришга қодир касса аппаратларининг янги авлодидир. Уни ишлаб чиқаришда компьютер технологиясининг энг сўнги ютуқларидан кенг фойдаланилган.

SILEX-7004 - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси талабларига тўла монанд бўлиб, сотувга чиқариш рухсатномасига эга ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудиде фойдаланиш учун Давлат рўйхатига киритилган. Аппаратнинг хотирлаш хоссаси кундалик ҳисобот ахборотларини етти йил мобайнида сақлаш имконини беради.

SILEX-7004 - барча матнлардаги хабарларни, молларнинг номларини ўзбек ва рус тилларида чоп этишни таъминлайди, 800 турдаги молларнинг номларини хотирида сақлаш олади, 10 тагача бўлимларга хизмат кўрсатади, 5 тагача дастурланадиган солиқлар мебоёрларини ўз ичига олади. Нақд пул билан, қарз бериш, чек орқали ҳақ тўлашнинг уч турини амалга ошириш имконини беради.

"ФОНОН" ишлаб чиқариш бирлашмаси аппаратлар харид қилинган кундан эътиборан бир йил мобайнида уларни бепул кафолатли таъмирлаб беради. "ФОНОН" ишлаб чиқариш бирлашмаси, шунингдек:

- ❖ кассир-операторларни ўқитиш;
❖ аппаратларни ишга тушириш;
❖ чиқим материаллар (ленталар, картридждлар) ни етказиб бериш;
❖ чеклар ва оморхонадаги моллар сон, солиқлар миқдорини дастурлашни амалга оширади.

Бизнинг манзил: Тошкент ш., Мовароуннаҳр кўчаси, 13-уй.
Маълумотлар учун телефонлар: 36-01-16, 36-09-33.
Факс: 33-55-18, 36-14-54.


SILEX-7004 - касса аппаратларининг янги авлоди!

ДИКҚАТ!



"СУВ ВА ГАЗ УЧУН" КК

сув ва газ учун турли моделдаги хўжалик ва саноат счётчикларини ТАКЛИФ ҚИЛАДИ



Сифатли, арзон, чидамли, бежирим СИЗЛАРНИ КУТАМИЗ. Тошкент, Воровский кўчаси, 26 "Чкалов" метро бекати. Телефонлар: 96-53-71, 96-70-94. Факс: 96-14-20.

Тошкент давлат университетининг география факультети жомаси ушбу факультет доценти Фахриддин Химатовга падари бошқаруви, ушбу катнашчиси ХИКМАТ отанинг вафоти муносабати билан чўкур таъзия билдиради.
"Ўзбекмобель" давлат жисдорлар бирлашмаси ва савдо-тикорат ичра таъминоти бошқармаси бошқаруви хайъати раиси ўринбосари Бахтиёр ҲАКИМОВГА қизи ЛАТОФАТнинг вафоти муносабати билан чўкур таъзия билдиради.
Ўзбекистон Давлат қурилиш материаллари ишлаб чиқариш концернининг ("Ўзқурилишматериаллар") жомаси тармоқининг касса ходини Сиддик МУХАМЕДОВНИНГ вафот этганиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига таъзия изҳор этади.
"Самарқанд-фильм" ХХИБ жомаси рассом-грамичи Георгий ЗАЙРОВНИНГ фожиали вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чўкур таъзия изҳор қилади.



ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖўРАБОВЕВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодий 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Ахборот 36-29-89;
Тунги муҳарририят 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Т. Доленев.